

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
ректори Ш.С.Сирожиддинов

« ____ » _____ 2016 йил

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти орқали «Дипломларни текшириш интерактив хизмати» регламенти

1.Хизмат таърифи

1.1 Хизмат номланиши

Қисқа номи: «Дипломларни текшириш интерактив хизмати»
Кенгайтирилган номи: “Олий таълим муассасалари битирувчилари дипломларини текшириш интерактив хизмати”

1.2 Хизмат натижаси

Дипломларни текшириш интерактив хизматидан фойдаланиб, битирувчи талабалар ва уларнинг дипломлари ҳақида маълумот олиниши мумкин.

1.3 Хизмат кўрсатувчи органлар

Ўзбекистон Миллий университети

1.4 Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 октябрдаги “2015-2017 йилларда пенсия таъминотининг ягона идоралараро интеграциялашган ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 297-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлик томонидан “Олий таълим муассасалари битирувчилари дипломларини текшириш интерактив хизмати”

1.5 Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар

1.6 Интерактив хизмат фойдаланувчисининг қоғоз кўринишидаги мурожаати

Битирувчи дипломи ксеронусхаси (бир нусхада)

1.7 Интерактив хизматни кўрсатиш нархлари (хужжатни тайёрлаш ва тақдим этиш), агарда хужжат пулли тарзда тақдим этилса

Бепул

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тадим этиш

2.1 Интерактив хизматни кўрсатиш муддати

Интернет тезлиги 1024 Кб/с бўлганда, хар бир йўналиш хақида керакли маълумотни олиш учун тахминан 30 сония вақт сарфланади. Агарда сўралган маълумот маълумотлар базасида киритилмаган бўлса уч иш куни мобайнида мурожаат қилувчига маълумот берилади.

2.2 Интерактив хизматни тақдим этишда рад этиш учун асос, амалдаги конунчиликка ҳавола қилинган ҳолда (мукаммал рўйхат)

Интерактив хизматни тақдим этишда рад этишда қуйидагилар асос бўлиши мумкин:

- Интерактив хизмат кўрсатиш дастури ўрнатилган серверда профилактик ишлар ўтказилаётган бўлса,
- Фойдаланувчининг контакт маълумотлари нотўғри киритилган ҳолда.

2.3 Батафсил маълумот олиш

“Олий таълим муассасалари битирувчилари дипломларини текшириш интерактив хизмати” тўғрисида батафсил маълумот:

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти - “dir.edu.uz”
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали –“my.gov.uz” орқали тақдим этилади
- Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти - nuu.uz

2.4 Интерактив хизматни тақдим этувчи муассаса жойлашган манзили

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй

- Мўлжал: Тошкент Давлат техника университети
- Транспортлар: 28, 31, 34, 87, 90-автобуслар, метронинг Беруний бекати

2.5 Интерактив хизматни кўрсатувчи муассаса иш тартиби, давлат хизматини кўрсатувчи муассасага мурожаат қилиш тартиби

Давлат хизматидан интернет тармоғи орқали кечаю-кундуз фойдаланиш мумкин

2.6 Интерактив хизматни кўрсатишда талаб ошиб кетса ва навбатсиз тақдим этиш имкониятидан ташқари ҳолларда давлат хизматини кўрсатишнинг кетма-кетлиги

Интерактив хизмат кўрсатилаётганда, уни амалга оширувчи серверда хар бир сўров учун алоҳида сессия яратилади. Сўров бўйича маълумотлар веб саҳифага чиқарилгач, жорий сессия яқунланади. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида сервер имконияти даражасида бир нечта сессия ҳам очилиши мумкин.

Натижада интерактив хизматни кўрсатиш вати бўйича регламентдан ошмаган муддатда фойдаланувчига хизмат кўрсатилади

3. Хизмат кўрсатиш тартиби

3.1 Интерактив хизматни олиш учун мурожаат қилиш ва уни олиш жараёнида давлат хизмати фойдаланувчисини ахборот билан таъминлаш

Давлат хизматидан фойдаланиш йўриқномаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети веб-сайтига жойлаштирилади

3.2 Интерактив хизмат кўрсатилишини бевосита таъминловчи мансабдор шахс

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ёш мутахассислар билан ишлаш сектори 1-тоифали методисти.

3.3 Қариялар ва ногиронларга интерактив хизматни кўрсатиш тартиби

Алоҳида тартиб кўзда тутилмаган.

3.4 Интерактив хизмат кўрсатиш регламентига амал қилинмаганлиги тўғрисидаги шикоятларни киритиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартиби

Интерактив хизмат бўйича шикоятлар Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг “Электрон кабулхона” интерактив хизмати орқали киритилади. Шу билан бирга Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорига ёзма равишда мурожаат қилиниши ҳам мумкин.

3.5 Интерактив хизматни кўрсатиш механизми

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ёш мутахассислар билан ишлаш сектори университет битирувчилари ҳақидаги тасдиқланган маълумотлар асосида интерактив хизмат маълумотлар базасини шакллантирилади. Интерактив хизмат бўйича сўров келиб тушгач, бу ҳақидаги маълумотлар интерактив хизмат маълумотлар базасидан изланади. Бу маълумот топилгач, интерактив хизмат учун масъул шахс автоматлашган ишчи ўрнидаги “Натижалар” бандида жорий маълумотлар чиқарилади. Акс ҳолда шу бандда, жорий ҳужжат ҳақидаги маълумот топилмаганлиги тўғрисида ахборот чиқарилади. Агарда мурожаат қилинган диплом ҳақидаги маълумотлар интерактив хизмат маълумотлар базасига киритилмаган бўлса, архивдан тегишли ҳужжат излаб топилиши ва интерактив хизмат маълумотлар базасига масъул ходимлар томонидан киритилиши таъминланади. Университет Проректори ҳамда Ёш мутахассислар билан ишлаш сектори бошлиғи маълумотларни тасдиқлагач, интерактив хизмат бўйича маълумотлар мурожаат қилувчига етказилади. Интерактив давлат хизмати маълумотлар базасини техник таъминоти Миллий университетнинг АТМ зиммасига юклатилади.

3.6 Интерактив хизматдан фойдаланиш механизми

Интерактив хизматдан фойдаланиш учун фойдаланувчи

- Фамилияси, исми, шарифи
- Телефон рақами
- Сўралаётган диплом серияси ва номери
- Ўқишни тугатган йили
- E-mail

Ҳақидаги маълумотларни киритиши лозим. Фойдаланувчи диплом ҳақидаги маълумотларни “e- mail” орқали олиши мумкин.

«КИРИТИЛДИ»

**Ёш мутахасислар билан ишлаш
сектори 1 тоифали методисти**

_____ **Э.К.Ҳабибуллаев**

« ____ » _____ **2016 йил**

«КЕЛИШИЛДИ»

**Ахборот технологиялар маркази
бошлиғи**

_____ **М.Ў.Худойбергенов**

« ____ » _____ **2016 йил**